

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



ТошДУТАУ академик лицейи  
директори *Б. Адизов*  
“ ” апрел 2022-йил

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИДА ҚАТНАШАДИГАН ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрларга оид ва бошқа ресурсларнинг борлиги;
- шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуққа эга эканлиги ва имкониятлари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги;
- уларга нисбатан банкротлик таомили киритилмаганлиги;
- ноҳалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги.
- Тижорат таклифи

Иштирокчилар ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби ишларни бажаришда етарли тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР

Академик лицейга Республиканинг барча вилоятларидан келиб, ўқувчилар ётоқхонасида яшаб ўқийдиган ўқувчилар учун имтиёзли уч маҳал иссиқ овқатланишини ташкиллаштириш бўйича иш ва хизмат бажарувчи ташкилотлар ўртасида баҳолаш мезони орқали танлов эълон қилади.

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Боғибўстон кўчаси 62-уй.

Молиялаштириш манбаи: А.Навоий номидаги ТошДУТАУ академик лицейи бюджет ҳисобидан ва ота-оналар тўлов маблағлари ҳисобидан.

Баҳолаш мезонида иштирок этиш учун иш бажарувчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: Ўқувчилар учун таёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларини малака ва кўникмага эга бўлган ошпазлар томонидан гигиеник қоидаларга риоя қилган ҳолда таёрланиши керак ва битта ўқувчига бериладиган

озик-овқат маҳсулотларининг калоррияси нормага асосан тўғри келиши керак, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.

**Бююртмачининг бошланғич нархи:** Бошланғич нархи


1. Бюджет ҳисобидан – 103 150 000 сўмни
2. Ота-оналар тўлови ҳисобидан 65 340 000 сўмни ташкил қилади

**Иш ва хизматни бажариш муддати**

**(июн,сентябр,октябр,ноябр,декабр) ойлари.**

**Баҳолаш мезони бўйича иштирокчилар:** Қўшимча маълумот олиш учун баҳолаш мезони ташкилотчиси Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Боғибўстон кўчаси 62- уйга мурожаат этишлари мумкин.

**Бош ҳисобчи**



**Х.Ризақулов**